



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI CHORTOQ TUMANI HOKIMINING FARMOYISHI

161000, Chortoq shahri Istiqlol hiyoboni ko'chasi 24 uy

2022 - yil 31 - yanvar

10-6-88-F/22

Chortoq tuman hokimligi

Туман ички хўжалик йўллари шағаллаш ҳамда таъмирлаш ишлари учун дизел ёқилғиси сотиб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 73-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4102-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда туман аҳолисини ижтимоий- иқтисодий ҳолатини яхшилаш, амалга оширилаётган чора-тадбирларни аҳоли турмуш тарзига сифатли таъсирини таъминлаш ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида, туман "Ободонлаштириш" бошқармасининг 2022 йил 22 январдаги 12-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунини 6,25- моддаларига мувофиқ:

1. Туман хўжалик ички йўллари шағаллаш ва таъмирлаш ишлари учун дизель ёқилғиси сотиб олиш учун **35 000,0 (Ўттиз беш миллион) минг сўм** маблағларни туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан туман "Ободонлаштириш" бошқармасига ажратилсин.

2. Туман "Ободонлаштириш" бошқармаси бошлиғи (А.Дехқанов) ҳамда бош ҳисобчиси (А.Тўхтасинов)ларга:

қисқа муддатларда ажратилган маблағлар доирасида белгиланган қонунчилик талаблари асосида тегишли шартномалар тузилиши ва тўловлар амалга оширилишини таъминлаш;

молиялаштириш манбасини очиш учун тегишли ҳужжатларни молия бўлими ва ғазначилик бўлимларига тақдим этиш ҳамда маблағлардан мақсадли фойдаланишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Чортоқ тумани молия бўлими (Д.Вахабов) ва ғазначилик бўлинмаси (Ф.Қамбаров)ларга:

ажратилган маблағлар доирасида харажатлар сметасини белгиланган тартибда руйхатдан ўтказиш;

тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

4. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари А.Умурзақов ва С.Мирзобоевлар зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



А.Отаходжаев